

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 821.512.133 (092)

Мирсаидова Нилуфар Собиржоновна

Шокир Сулаймоннинг ижодий йўли

10.01.02. – Ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти)

филология фанлари номзоди илмий даражасини

олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

Ўзбекистон Республикаси фан
арбоби, филология фанлари
доктори, профессор
Н.КАРИМОВ

Тошкент - 2006

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. Ш.СУЛАЙМОННИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ТАРИХИЙ ДАВР КЎЗГУСИДА	15
II БОБ. Ш.СУЛАЙМОН ШЕЪРИЯТИ.....	53
Ижтимоий-сиёсий лирика.....	58
Севги ва муҳаббат талқини.....	85
Достон жанридаги изланишлар.....	100
III БОБ. Ш.СУЛАЙМОННИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИ...	105
IV БОБ. Ш.СУЛАЙМОННИНГ ПУБЛИЦИСТИК ВА АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАРИ.....	118
ХУЛОСА.....	135
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	142

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг 20 – йилларида адабиёт майдонига кириб келган Шокир Сулаймон ўзидан бой адабий ва илмий мерос қолдирди. Унинг шеърий, насрий асарлари, публицистик мақолалари, адабиётшунос сифатидаги илмий – назарий кузатишлари XX аср 20 – 30 – йиллари ўзбек адабиёти тарихидан ўзига хос ўрин эгаллаган.

20 – йиллар адабий жараёнида нисбатан эркин ижодий муҳит мавжуд эди. Аммо 30 – йилларга келиб, коммунистик мафкура талаби билан бадиий адабиётда ижтимоий-сиёсий мазмун етакчи мавқега кўтарилди. Ғоявийлик, синфийлик, партиявийлик, ҳаётни инқилобий тараққиётда акс эттириш шу давр адабиётининг эстетик мезонлари эди.

Шокир Сулаймон ана шундай зиддиятли ва мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда яшаб ижод этди. Унинг адабий мероси таркибида бадиий жиҳатдан анча пухта асарлар билан бир қаторда сиёсий руҳ билан йўғрилган, даврнинг ижтимоий талабларига жавобан юзага келган асарлар ҳам оз эмас. Шу маънода Ш.Сулаймон ҳаёти ва ижодий йўли бир текисда кечмаган. Шеърий, насрий, публицистик ҳамда адабий-танқидий асарларидан ташкил топган 40 дан ортиқ мажмуалари адибнинг ижодий йўли хусусида муайян илмий хулосалар чиқариш учун имкон беради.

Улар, бир томондан, Шокир Сулаймон кимлигини, дарду дунёсини англашга ёрдам берса, иккинчи томондан, адабиёт устидан юритилган давлат сиёсатининг оқибатларини намоён этади. Ижоддаги оғишлар, замонасозликлар, мафкуравий

андозаларга тушиб қолишлар Шокир Сулаймон ижодининг нақадар мураккаб кечганлигини кўрсатади.

XIX аср охири – XX аср бошларида чор мустамлакачилигига барҳам бериш, миллий мустақилликка эришиш йўллари излаш мамлакат маънавий ҳаётида ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни юзага келтирди. Туркистон маърифатпарварлари илгари сурган ғоялар миллат ҳаётида маърифий кўтарилишни, ижтимоий фаолликни майдонга келтирди. Бироқ 30–йилларда уларга «пантуркчи», «панисломчи», «жадидчи» тамгалари тақалди; барча фаолиятлари, маданий – маърифий хизматлари тоталитар тузумнинг сиёсий ҳукмрон мафкураси тазйиқи остида қораланди.

Шокир Сулаймон XX асрнинг 20–30–йилларида яшаб ижод қилди. 1937 йилги қатағонда қамоққа олинади. Ва негадир тез орада ҳибсдан озод этилади. 1941 йил у яна тутқунликка маҳкум этилади ва асоссиз равишда отиб ўлдирилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби жадид зиёлиларининг издошлари бўлиб адабиёт ва сиёсат майдонига кириб келган Боту, Элбек, Санжар Сиддиқлар орасида Шокир Сулаймоннинг ҳам ўрни бор.

Аmmo, афсуски Шокир Сулаймон ҳаёти ва ижоди шу вақтгача янгича шароитда янгича нуқтаи назардан махсус тадқиқ қилинмаган. Ваҳоланки, бошқа қаламкаш замондошлари қатори, унинг ижодини ҳам ўрганмай туриб, 20–30–йиллар ўзбек адабиёти тарихини яратиш мумкин эмас. Адибнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш зарурати, мавзунинг долзарблиги шунга ўхшаш бир қатор омиллар билан изоҳланади.

XX асрнинг тонги, 20–30–йиллар адабий – маданий ҳаёти шу кеча ва кундузда нафақат адабиётшунос, балки тарихчи, файласуф, санъатшунос ва жамиятшуносларнинг ҳам диққат –

эътиборини ўзига қаратган. Булар, бежиз эмас, албатта. Негаки, XIX аср охири—XX аср бошлари ўзбек адабиёти, маданияти, санъати ўзининг ижтимоий—сиёсий, маърифий, бадий, фалсафий—эстетик йўналишига кўра алоҳида босқич ҳисобланади. Биргина бадий тафаккур тараққиётини оладиган бўлсак, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту ва бошқа сўз санъаткорларининг адабий ижоди миллат ва ватан манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ ижтимоий ҳодиса, миллат маънавий—маданий ҳаётининг гўзал саҳифасидир.

Мазкур давр адабий—маданий ҳаёти, улкан саънаткорлар фаолияти мустақиллик давридагина ўзининг тўлақонли, мукамал, эмин—эркин тадқиқотчилигини топди. Бу борада қодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшунослик алоҳида фан тармоқлари сифатида шакллана бошлади¹. Шунингдек 20—30 йилларда яшаб, ижод қилган шоир, ёзувчи, мунаққид, ва таржимонларнинг ижодий меросларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилди².

¹ Қаранг: Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. —Т., 1990; Алиев А. Фитрат. —Т., 1991; Каримов Н. Чўлпон.—Т., 1991; Ўша муаллиф. Каримов Н. Усмон Носир. — Т., 1993; Ўша муаллиф. Усмон Носирнинг сўнги кунлари. —Т., 1993; Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. —Т.: Университет, 1993; Қосимов Б. Маслақдошлар. — Т., 1994; Абдулла Қодирийнинг бадий дунёси (мақолалар тўплами). —Т., 1994; Фаниев И. Ҳаёт, эътиқод, ижод.—Т., 1995; Ўша муаллиф. Руҳий гўзаллик қисмати. — Бухоро, 1994; Ўша муаллиф. Фитратшунослик. —Бухоро, 1995; Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси. —Т., 1996.

² Қаранг: Ёқубов И.А. Отажон Ҳошимовнинг адабий—танқидий фаолияти: Филол. фанлари номзоди ... дисс. — Т., 1993; Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж: Филол. фан. номз. дисс. — Т.,1994; Каримов Б.Н. Ваҳуд Маҳмуднинг адабий—танқидий фаолияти: Филол. фанлари номзоди ... дисс. — Т., 1995; Ғойибова Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий—фалсафий қарашлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. —Т., 1994; Авазов Н.Х. М.Беҳбудийнинг ижодий мероси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. —Т., 1995; Умрзоқов Ф. Ғози Юнуснинг ижодий йўли: Филол. фанлари номзоди ... дисс. —Т., 1996; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитрат: Филол. фанлари д-ри ... дисс. — Т., 1996; Ҳамдамов У. 30—йиллар ўзбек шеъриятида «соф лирика»: Филол. фанлари номзоди ... дисс. — Т., 1997; Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. — Т., 1998; Фаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. — Т., 1998; Жўрақулов У.Х. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати: Филол. фанлари номзоди ... дисс. — Т., 1998; Усмонов О.Д. Фулом Зафарийнинг ижодий йўли: Филол. фанлари номзоди ... дисс. — Т., 1999; Довурбоева Н. Фитрат драмаларида миллий озодлик ғоялари: Филол. фанлари номзоди ...

Мавзунинг ўрганилиш даражаси . Шокир Сулаймон ижоди 20 – йиллардаёқ адабий жамоатчиликнинг назарига тушди. Янги ўзбек адабиётининг дунёга келишида Мирмулла Шермуҳаммад, Фитрат, Чўлпон, Фулом Зафарий, Хуршид, Жулқунбой, Ғози Юнус, Боту, Элбек, Ҳамза, Рафиқ Мўмин каби ёзувчиларнинг муносиб ҳиссаси борлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган мунаққид А.Саъдий шу ижодкорлар қаторида Шокир Сулаймон номини ҳам тилга олган¹. Мунаққид Али Исмоилзоданинг «Адабиёт ғавғоси»² мақоласида эса Боту билан Ш.Сулаймон тўғрисида «қаёққадир кетиб йўқолди» деган фикр билдирилади. Бизнингча, уларнинг «қаёққадир кетиб йўқолганлари» янги тоталитар тузумнинг дунёга келиши ва бу мустабид тузумга бўлган ишончсизлик натижасида адабиёт майдонига эндигина кириб келаётган ёш адиблар руҳиятидаги эврилишлар жараёни билан изоҳланади. Аммо 30 – йиллардан бошлаб ёзувчи ва танқидчилар Ш.Сулаймон ижодига совет давлатининг мафкуравий андазалари асосида ёндаша бошладилар. Ҳ.Олимжон «Замон ва Шокир Сулаймон»³ мақоласида Шокир Сулаймонни миллатчиликда айблаб, уни йўловчи адабиётнинг вакили сифатида қоралаган. Ҳ.Олимжон «Қанотсиз бургутлар» ҳикояси учун Шокир Сулаймонга буржуа ёзувчиси деган тамғани босган.

Холбек Ёдгоров «Шокир Сулаймоннинг қора йўллари»⁴ номли мақоласида Шокир Сулаймон миллатчи, аксилинқилобчи, жадиждлар томонидан танланиб социализм ғалабаларини

дисс. – Т., 1999; Азимова Х. Авлоний драматургияси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1999; Фотима Ачиқ. «Ёш Туркистон» журнали: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2002; Мўминова Н. Абдураҳмон Саъдийнинг адабиётшунослик мероси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2002. ва ҳ.к.

¹ Саъдий А. Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти // Туркистон. – 1924. – 21 июнь.

² Исмоилзода Али. Тўрт шеърий тўплам тўғрисида // Китоб ва инқилоб. – 1933.

³ Қаранг: Ҳамид Олимжон. Асарлар. Олти жилдлик. 5 – жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.44.

⁴ Ёдгоров Х. Шокир Сулаймоннинг қора йўллари // Ёш ленинчи. – 1937. – 2 окт.

мағлубиятга учратиш мақсадида Оренбургдаги «Мадрасаи Хусайния»га ўқишга юборилган, деган фикрларни ёзган. Мунаққид Шокир Сулаймоннинг Ёзувчилар союзидаги фаолиятини бузиб кўрсатган. Уни ёш кадрларни ўстирмасликда, бадиий асарлар яратишни тўхтатганликда, совет адабиётига содиқ бўлган кишиларни қувғин қилганликда айблаган. Яна уни «миллатчилар», «аксилинқилобчилар» билан ёнма—ён фаолият олиб бориб, «социализм ҳузур—ҳаловати остида» яшаётган болаларни масхаралаган, унинг айби билан Элбекнинг «Болалар қўшиғи» деб номланган китоби босилиб чиққан, деган сўзларни айтган.

Сотти Хусайн «Бизда кимлар йўловчи» мақоласида¹ Ш.Сулаймон мафкуравий жиҳатдан сўллашиб бораётир; агар у мафкуравий, сиёсий хатолардан тезроқ қутулса пролетар ёзувчиси бўлиши мумкин, деган фикрни илгари сурган. Р.Бойжоновнинг «Ш.Сулаймон ижодига бир қараш»² деб номланган мақоласида адибни майда буржуазия ичидан етишган ўзбек зиёлиларидан бири сифатида текшириб, бундай сўзларни ёзган: «Бир гуруҳ ўзбек зиёлилари Октябрнинг қонли урушлари даврида аросатда тебраниб қолдилар. Ана шу талмовсираган зиёлилар орасида Ш.Сулаймон ҳам бор эди».

Маълумки, ўтган асрнинг 20—йилларида зиёлилар, жумладан, ёзувчилар ўртасида ҳам мафкуравий томондан табақаланиш юзага келган. Адабиётшунослик илмида уларга шу давр нуқтаи назардан баҳо бериб келинган. Чунончи, «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобининг 1—томида шу даврда ижод қилган қуйидаги ёзувчиларга бундай баҳо берилган: «Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Садриддин Айний, Завқий, Аваз, Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош, Чокар

¹ Қаранг: Сотти Хусайн. Танланган асарлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. — Б.36.

² Бойжонов Р. Ш.Сулаймон ижодига бир қараш // Шокир Сулаймон. Сайланма.—Т.—Самарқанд, 1934. — Б.5.

сингари шоирлар революцияни шодлик билан қарши олган бўлсалар, Ш.Сулаймон, Боту, Элбек ва бошқалар бирмунча тарадудланишдан сўнг янги тузумни қабул қилдилар. Фитрат, Чўлпон каби бир тоифа кишилар тўғридан – тўғри революция манфаатига зид йўлда бўлдилар»¹.

«История узбекской советской литературы» китобининг 1 – жилдида Ш.Сулаймоннинг XX асрнинг 20 – 30 – йилларидаги ижтимоий – сиёсий, маданий – маърифий фаолияти, янги ўзбек адабиётининг шакллантиришдаги хизматлари алоҳида тилга олинади². Ҳ.Ёқубовнинг «Болалар адабиётини сифатини кўтарайлик»³ мақоласида ҳам Ш.Сулаймоннинг Фарб ва Шарқ меҳнаткашлари, уларнинг фарзандлари турмушидан олиб ёзилган «Ким бу», «Ли – Су», «Формуза отаси», «Париж болалари», «Жим ҳам Эллен» асарларига танқидий муносабат билдирилган. Муаллиф бу асарларда болалар адабиётининг хос хусусиятлари жуда кам кўзга ташланади, Ш.Сулаймон ўзи билмаган турмушни болаларбоп қилиб ёза олмайди, бадий идрок эта олмайди, деб ҳисоблаган.

XX асрнинг 20 – 23 – йилларида мустақил болалар адабиёти шакллана бошлади. Адабиётшунос олимлар янги давр адабиётида болалар адабиётининг вужудга келишида Ш.Сулаймон, Д.Оппоқова, М.Файзий, Чигай, З.Диёр, С.Жўра, Ф.Фулом, Қ.Муҳаммадий, Ҳ.Назир, А.Раҳмат, Ш.Саъдулла каби ёзувчиларнинг хизматлари муайян ижобий аҳамиятга эга бўлган деб ҳисоблайдилар⁴.

XX асрнинг 60 – йилларида шахсга сифинишнинг фoш этилиши билан «халқ душмани» сифатида унутилган шоир ва

¹ Ўзбек совет адабиёти тарихи. 1 – том. – Т.: Фан, 1967. – Б.5.

² История узбекской советской литературы. – Т.: Фан, 1987. – СС. 87 – 88, 135, 141, 143 – 144, 199, 212, 238 и т.д.

³ Ёқубов Ҳ. Болалар адабиётини сифатини кўтарайлик // Совет адабиёти. – 1936. – 2 – сон.

⁴ Ўзбек совет адабиёти тарихи. 3 – том. – Т.: Фан, 1967. – Б.32.

ёзувчилар номини тилга олиш имконияти туғилди. Шу сабабли айрим танқидчи ва адабиётшуносларнинг асарларида Ш.Сулаймон ва унинг ижоди ҳақида сўз юритила бошланди. 1964 йилда Ш.Сулаймоннинг «Ўч» номли ҳикоялар тўплами босилиб чиқади. Уни ёзувчи Н.Фозилов тўлаб нашрга тайёрлаган бўлиб, тўпламга адабиётшунос олим М.Юнусов сўзбоши ёзган ¹.

М.Юнусов Ўзбекистонда чиқа бошлаган «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Фарғона», «Қизил Ўзбекистон» сингари газеталар, «Билим ўчоғи», «Маориф ва ўқитувчи», «Аланга», «Ер юзи» каби журналларда Ш.Сулаймон кўплаб шеър ва дostonлари, очерк ва ҳикоялари, мақолалари билан фаол қатнашганлиги ҳақида ёзади. Унинг атоқли ўзбек ёзувчилари Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва Садриддин Айнийлар билан яқин адабий муносабатда бўлганлиги ҳақидаги эътиборли маълумотларни келтиради.

М.Юнусов унинг таржимаи ҳоли ва ижтимоий фаолияти ҳақида ўқувчиларга қисқача маълумот бериб, Оренбург (1916—1918), Москвадаги (1923) таҳсил жараёнида унинг руҳияти ва дунёқарашида юзага келган ўзгаришлар ҳақида фикр—мулоҳаза юритади. Профессор С.Мирвалиев «Ҳаёт ва кураш поэзияси»² китобида Шокир Сулаймоннинг «Формуза отаси», «Ямо ва Хамо», «Куллари кўкларга» ва бошқа асарларини таҳлил этаркан, улар мустамлакачиликнинг ифлос қиёфасини фoш этиш, эрк—озодлик учун курашаётган Шарқ халқларига хайрихоҳлик руҳи билан суғорилган, деган хулосани илгари сурган.

Америкалик адабиётшунос Эдвард Оллуорт «Ўзбек адабий сиёсати» номли китобида Ш.Сулаймоннинг жаҳид мактаблари

¹ Юнусов М. Шокир Сулаймон. Ўч. — Т.: Ёш гвардия, 1964. — Б.3—12.

² Мирвалиев С. Ҳаёт ва кураш поэзияси. — Т.: Ўзфанакаднашр, 1962.

вужудга келишидаги ролини алоҳида айтиб ўтди¹. Профессор Озод Шарафиддиновнинг Абдулла Қаҳҳор ижодига оид тадқиқотида Ш.Сулаймоннинг «Сароб» романини дадил ёқлаган нутқи тилга олинди². Академик Бахтиёр Назаров унинг 20—30—йиллар ўзбек ҳикоячилигидаги ролини ижобий баҳолади³. Адабиётшунос Шерали Турдиев ўзбек адабиётида кичик эпик жанрлар такомилидаги Ш.Сулаймон хизматларини алоҳида таъкидлади⁴.

1960—йилларда матбуотда ёзувчининг ҳаёти ва фаолиятига оид айрим мақолалар ва унинг ижодидан намуналар эълон қилинди⁵. 30—йиллар дostonчилигини тадқиқ қилар экан, адабиётшунос Нўмон Раҳимжонов унинг бир неча дostonларини илмий таҳлил доирасига тортди⁶. Профессор Лазиз Қаюмов Ш.Сулаймоннинг ҳамзашуносликка қўшган салмоқли ҳиссаси ҳақида маълумотлар берди⁷. 1990 йил ёзувчининг 90—йиллиги муносабати билан Шерали Турдиев⁸, Мажид Ҳасанов⁹ ва бошқа адабиётшунос олимларнинг мақола ва хотиралари эълон қилинди. Шунингдек, тарихчи олима Назира Абдуазизова Ш.Сулаймоннинг ўзбек матбуоти тарихида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтди¹⁰. Ш.Сулаймон ҳақидаги энг охириги муҳим манбалардан бири сифатида профессор Наим Каримовнинг мақоласини келтириш мумкин¹¹.

¹ Ollworth Edward. Uzbek literary politiks. — London, 1964. — P.32

² Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — Б.229.

³ Назаров Б. Адабий турлар ва жанрлар. — Т.: Фан, 1991. — Б. 6.

⁴ Турдиев Ш. Ўзбек адабиётида кичик эпик жанрнинг шаклланиши. — Т.: Фан, 1978. — Б.13.

⁵ Қодиров Н., Зокиров М. Шоир, прозаик, адабиётшунос // Тошкент оқшоми. — 1967. — 28 март.

⁶ Раҳимжонов Н. Адабий турлар ва жанрлар — Т.: Фан, 1991. — Б. 215.

⁷ Қаюмов Л. Ҳамза. — Т., 1989. — Б. 7, 15, 17.

⁸ Турдиев Ш. Маърифат фидойиси // Совет Ўзбекистони. — 1990. — 13 май.

⁹ Ҳасанов М. Шоир, ёзувчи, таржимон // Тошкент оқшоми. — 1990. - 8 окт.

¹⁰ Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. — Т.: Академия, 2000. — Б. 238.

¹¹ Каримов Н. 41—йилнинг совуқ шамоли // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. — 2004. — 20 авг.

Кўринадикки, мазкур ишлар Ш.Сулаймон ҳаёти ва ижодини тўлиқ ёритишда муайян илмий аҳамиятга эга. Лекин тадқиқотчилар юқоридаги ишларида адиб ҳаёти ва ижодий йўлининг айрим қирраларига тўхтаб ўтганлар, холос. Шу боисдан адабиётшунослиқдаги мазкур кемтикликни тўлдириш лозим. Бунинг учун эса Шокир Сулаймон ҳаёти ва ижодини мустақиллик мафкурасининг талаб – эҳтиёжлари асосида янгича нуқтаи назардан тадқиқ этиш, бадиий асарлари ва адабий – танқидий мақолаларини адиб дунёқараши билан яхлит ва уйғун ҳолда ўрганиш зарур.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу диссертацион ишнинг мақсади Шокир Сулаймон шеърлари, дostonлари, ҳикоялари, адабий – танқидий мақолалари ҳамда матбуот материаллари ва бошқа манбалар асосида ижодий йўлини ёритиш, мафкуравий тазйиқ ва қолипларга қарамай бадиий етук асарлар яратиш борасида олиб борган изланишлари табиатини очиб бериш, адабий меросини монографик ўрганиш, бадиий маҳоратини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида 20 – 30 – йиллар адабий ҳаётидаги ўрнини белгилашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ишда ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- Ш.Сулаймон ҳаёти ва ижодий йўлини ўрганиш;
- ижодининг етакчи йўналишларини белгилаш, адабий асарларини ғоявий мавзу нуқтаи назаридан таснифлаш;
- шеърый ҳамда насрий асарларининг бадиий – эстетик қимматини кўрсатиш;
- ижодкор руҳияти ва бадиий ижодига ҳукмрон сиёсий мафкуранинг таъсирини аниқлаш;

- адабий – танқидий мақолаларида илгари сурилган етакчи илмий – назарий қарашларни ўрганиш;
- Ш.Сулаймоннинг XX асрнинг 20 – 30 – йиллари адабий ҳаётида тутган ўрнини, ижодининг аҳамиятини белгилаш.

Ишнинг илмий янгилиги. Диссертацияда Шокир Сулаймоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти илк бор махсус монографик тарзда ўрганилди, миллий истиқлол ғоялари асосида таҳлил этилди, илмий – назарий жиҳатдан умумлаштириб, хулосалар чиқарилди.

XX аср бошлари адабиётимиз тарихидаги ўрни, унинг ижодидаги етакчи тамойиллар, бадиий – эстетик принциплар аниқланди.

– Ижодкорнинг Туркистон мухториятини ташкил этишдаги хизматлари, ижтимоий – сиёсий, маданий – маърифий фаолияти – га алоҳида аҳамият берилди.

– Шокир Сулаймоннинг 20 – 30 – йиллар адабий жараёндаги тутган ўрнига баҳо берилди, унинг серқирра фаолияти, ижоди илк бора яхлит ҳолда таҳлилга тортилди.

– Адибнинг публицистика соҳасидаги хизматлари, унинг «Маориф ва ўқитувчи», «Ер юзи», «Аланга» ҳамда бошқа вақтли нашрларда босилган мақола ва шеърлари жамланди, уларнинг долзарблиги ва ғоявий йўналиши таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Диссертациянинг методологик асоси. Ушбу ишда ўзбек адабиётшунос олимларининг XX аср адабиёти ва унинг муаммолари, хусусан, етакчи тараққиёт тенденциялари, санъаткор шахсияти ва ижодининг муҳим хусусиятлари, бадиий маҳорат масалаларини ўрганишга бағишланган ва миллий истиқлол

мафкураси билан уйғун бўлган илмий – назарий тадқиқотларидан методологик асос сифатида фойдаланилди. Хусусан, Иззат Султон, Маҳмудали Юнусов, Солиҳ Қосимов, Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Бахтиёр Назаров, Бегали Қосимов, Умарали Норматов, Собир Мирвалиев, Нўъмон Раҳимжонов, Баҳодир Каримов, Аҳмад Алиев, Шерали Турдиев, Сирожиддин Аҳмедов, Шуҳрат Ризаев каби олимларнинг илмий ишлари, кейинги йилларда яратган асарлари, бугунги адабиётшунослигимизнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган, башарий қадриятлар бош мезон сифатида илгари сурилган мақолаларидаги назарий фикрларига суянилди.

Тадқиқот манбаи. Диссертация учун Шокир Сулаймоннинг бадиий асарлари, публицистик ва адабий танқидий мақолалари асос қилиб олинди. Манбалар диссертацияга илова қилинади.

Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ва унинг материаллари XX аср ўзбек адабиёти тарихини яратишда, алоҳида сиймолар бўйича махсус курслар, семинар машғулотларини ўтказишда, мустақил йўналиш сифатида шакланган ижтимоий – сиёсий шеърят табиатини ёритишда асқотади.

Тадқиқот материаллари ҳамда илмий умумлашма ва хулосаларидан шоир ҳаёти ва ижодини ёритувчи монографиялар, олий ўқув юртлари филология факультетлари ҳамда касб – ҳунар коллежлари, академик лицейлар учун дарслик ва қўлланмалар яратишда, 20 – 30 – йиллар адабиёти тараққиёт тарихи юзасидан машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг жорийланиши. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил

ва адабиёт институтининг ХХ аср ўзбек адабиёти бўлимида бажарилди. «Шокир Сулаймоннинг ҳаёти ва ижодий йўли» мавзуси Республика олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларида олиб борилаётган тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчи координацион кенгашда тасдиқланган. ХХ аср ўзбек адабиёти бўлими йиғилишида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Диссертациянинг асосий мазмуни «Ўзбек тили ва адабиёти», «Ўзбекистон матбуоти», «Ёшлик», «Жамият ва бошқарув», «Тафаккур», «Соғлом авлод учун», «Шарқ юлдузи» журналларида ва «Фидокор» газетасида чоп этилган мақолаларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши. Тадқиқот муқаддима, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.